

Болтаев Т.Қ. - ТМИ
катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА КУРСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Ўзбекистонда валюта муносабатларини, шунингдек валюта курсини тартибга солиш масалалари ва Ўзбекистон валюта сиёсатини ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: валюта сиёсати, валюта курси, валюта бозори, девальвация, ревальвация, тўлов баланси, валюта чекловлари.

В статье анализируется проблемы регулирование валютных отношений, валютных курсов и особенности валютной политики Узбекистана.

Ключевые слова: валютная политика, валютный курс, валютный рынок, девальвация, ревальвация, платежный баланс, валютное ограничение.

The article analyzes the problems regulation monetary relations, foreign exchange rates and monetary policy especially in Uzbekistan.

Keywords: monetary policy, exchange rate, foreign exchange market, devaluation, revaluation, balance of payments, foreign exchange restrictions.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда валютани тартибга солишнинг самарали тизимини вужудга келтириш, валюта соҳасида юзага келадиган турли ҳолатларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга жаҳонда рўй бераётган молиявий иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит ва валюта муносабатларини тартибга солиш, Республика валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозорларини ривожлантириш, Марказий банкнинг валюта сиёсатини такомиллаштириш ва маҳаллий шарт - шароитларни ҳисобга олган ҳолда, унинг инструментларидан фойдаланиш масалаларини чуқур таҳлил қилиш зарурдир.

Валюта муносабатларининг ривожланишига иқтисодий етакчи мамлакатларнинг роли каттадир. Охириги ўн йилликда ўтиш давридаги ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам бу соҳада фаоллиги ошмоқда.

Ривожланаётган ҳар бир мамлакат иқтисодий конъюнктурани мувофиқлаштириш билан боғланган ўз валюта сиёсатини амалга оширгани ҳолда тўлов баланси камомадини тамайтиришга, товарлар импортини жиловлаш ҳамда экспортини рағбатлантиришга, миллий валюта захираларни ҳимоя қилишга интилади. Бунинг учун валюта сиёсатининг куйидаги асосий усулларидан фойдаланилади:

1) валюта курсини қатъий белгиланган, сузадиган, кўп хилли ҳамда девальвация ва кам ҳолатларда ревальвация каби турли режимларидан фойдаланган ҳолда мувофиқлаштириш;

2) тўлов баланси жорий ва молиявий операциялари бўйича валюта чекловларининг турли шакллари кўллаш;

3) давлатлараро тўлов ва клиринг келишувларини валюта захираларини тежаш мақсадида тузилиши (Осиё клиринг иттифоқи, Ғарбий Африка клиринг палатаси ва бошқалар);

4) ривожланаётган мамлакатларнинг ўз валюта группировкалари, тўлов баланси камомадини қоплаш учун мўлжалланган биргаликдаги валюта фондларини барпо этиш орқали валюта ҳамкорлиги ва интеграциясини ривожланиши.

Саноат жиҳатидан ривожланган кўпчилик мамлакатларда валюта курси унинг эркин айирбошланиши киритилиши билан соддалаштирилган бўлса-да, айрим давлатлар икки қатламли валюта бозори шаклидаги, курсларнинг кўп хиллиги амалиётига даврий равишда қайтмоқдалар.

Миллий валюта айирбошланишига ўтишнинг жаҳон тажрибаси ушбу жараёни муҳим бўғинларини ажратиб кўрсатиш имконини беради, яъни:

- валюта айирбошланишини киритиш пайти ва суръатини танлаш;
- ким учун резидентлар ёки норезидентлар учун ва қандай кетма-кетликда;
- қандай операциялар бўйича: тўлов баланси жорий операциялари ёки молиявий операциялар бўйича.

Бунда биринчи муаммо. Валюта муносабатлари тарихида икки модель маълум, яъни “шок” модели ва етарли шарт-шароитлар яратилишига қараб валюта айирбошланишига аста-секин ўтиш модели. Биринчиси волюнтаристик (Туркия, Шарқий Европа давлатлари, Россия) вариант бўлиб, миллий валюта курсининг пасайиши, расмий олтин-валюта захираларининг камайиши билан хусусиятлидир.

Иккинчи вариант валютанинг эркин айирбошланишига босқичма-босқич ўтиш (Ғарбий Европа давлатлари ва Япония тажрибаси) “шок”ли вариантга нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Чунки у миллий ва жаҳон бозорлари фаолиятларини ўзаро бир-бирига боғлашга, хусусан баҳонинг шаклланиш жараёни ҳамда унга туртки бўлмиш омилларни тайёрлашга асосланган.

Иккинчи муаммо. Резидент ва норезидент шахслар учун валюта айирбошланиши киритилишининг кетма-кетлигини аниқлашдир. Жаҳон тажрибасига кўра тенг ҳуқуқли ҳамкорликдан манфаатдор қилиш мақсадида одатда биринчи навбатда хорижлик ҳамкорларга эътибор қаратилади.

Учинчи муаммо. Валюта айирбошланиши киритилаётган операцияларнинг танлови билан боғлиқ.

Ривожланаётган мамлакатлар валюта сиёсатининг ривожланган давлатларга ўхшаш иқтисодий ва маъмурий усулларида фойдаланади. Бироқ ушбу инструментларнинг улардан фойдаланиш борасидаги ўзаро нисбати ва ёш давлатлар валюта сиёсатининг мақсадлари ҳамда иқтисодиётни мувофиқлаштиришдаги уларнинг аҳамияти бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Валюта сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналтирилганлиги мамлакатнинг нисбатан ривожланган давлатларга бўлган валюта-иқтисодий қарамлигини кучсизлантиришга ҳамда миллий иқтисодиёт тараққий этиши учун ёқимли шарт-шароитларни яратишга интилишдадир.

Валюта сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати билан узвий боғлиқдир. Уларнинг иккаласи ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан иқтисодий ислохотлар мобайнида кўрилган чора-тадбирлар қуйидаги натижаларга эришиш имконини берди:

- валюта сиёсатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;
- самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил этиш;
- иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини ташкил этиш;
- тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;
- биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- нақд ва нақдсиз тарзда валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини, валюта рискларини олдини олишнинг савдо ва носавдо операциялари механизминини белгилаш;
- хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;
- давлатнинг олтин-валюта захираларини самарали бошқариш;
- халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш;
- валюта курсини самарали тартибга солиш;
- миллий валютанинг ички конвертирланишини таъминлаш;
- республикамиз тўлов баланси жорий операциялари бўйича миллий валюта конвертирланишини таъминлаш.

Республикамизда амалга оширилаётган валюта сиёсатини умумлаштириш ва унга тавсиф беришда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланиш ва иқтисодиётни, шу жумладан молия-пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш.

2. Иқтисодиётни самарали ва тенг ҳуқуқли асосда жаҳон хўжалигига интеграция қилинишини таъминлаш.

3. Иқтисодий ўсиш жараёнларини таъминлаш. Ушбу вазифани ҳал этишда, биринчи ўринда валюта маблағидан фойдаланиб фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва техникавий қайта ташкил этишда, қўшимча қийматнинг юқори улушини таъминлайдиган янги илғор корхоналарни вужудга келтиришда фойдаланиш валюта сиёсатининг энг асосий вазифасидир.

Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилганлиги туфайли 1997 йилдан бошлаб, биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсата бошлади. Биржадан ташқари валюта бозорида нақд валюталар билан операциялар (валюта айирбошлаш шохобчалари орқали), шунингдек, халқ

истеъмоли молларини импорт қилувчи корхоналарга валюталарни (ваколатли банклар орқали) сотиш бўйича операциялар амалга оширила бошланди.

Валюта муносабатлари ривожланишини тўрт даврга ажратиш мумкин:

- биринчи давр 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда миллий валюта – сўм муомалага киритилди ва хўжалик субъектларининг хорижий валютадаги маблағлар сотиб олиш имконияти таъминланди;

- иккинчи давр 1997-1999 йиллардан иборат. Бу даврда тўлов балансининг жорий операциялари бўйича чекловлар жорий қилинди;

- учинчи давр 2000-2003 йилларни қамраб олади. Бу даврда миллий валюта бозорини эркинлаштириш бошланди ва кучайтирилди;

- тўртинчи давр 2003 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврда сўмнинг тўлов баланси жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин конвертирланиши жорий этилди, биржадан ташқари валюта бозори эркинлаштирилди. 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ХВФ Келишув моддаларининг VIII моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди ва шу санадан эътиборан сўмнинг жорий операциялар бўйича хорижий валюталарга эркин айирбошлаш жорий этилди. Фақат ҳозирча республикамиз худудида сўм АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франкига айирбошланади.

1-жадвал

**Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курсини
1995-2015 йиллардаги ўзгариши***

Сана	Валюта курси, Сум/ АҚШ доллари	Олдинги йилга нисбатан ўсиш сурати (коэф.да)	Бошланғич даврга нисбатан ўсиш сурати (коэф.да)
01.01.1995	25,00	-	-
01.01.1996	35,50	1,42	1,42
01.01.1997	55,00	1,55	2,20
01.01.1998	80,17	1,46	3,21
01.01.1999	110,00	1,37	4,40
01.01.2000	140,00	1,27	5,60
01.01.2001	325,00	2,32	13,00
01.01.2002	688,00	2,12	27,52
01.01.2003	970,00	1,41	38,80
01.01.2004	980,00	1,01	39,20
01.01.2005	1 058,00	1,08	42,32
01.01.2006	1 180,00	1,12	47,20
01.01.2007	1 240,00	1,05	49,60
01.01.2008	1 290,00	1,04	51,60
01.01.2009	1 393,00	1,08	55,72
01.01.2010	1 511,40	1,08	60,46
01.01.2011	1 640,00	1,09	65,60
01.01.2012	1 795,00	1,09	71,80
01.01.2013	1 985,46	1,11	79,42
01.01.2014	2 202,20	1,11	88,09
01.01.2015	2 422,40	1,10	96,90
01.01.2016	2 809,98	1,16	112,40
Ўрт.йиллик		1,252	

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди

Ушбу жадвалдан миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курсини 1995-2014 йиллар учун ўзгаришини кўрадиган бўлсак, бу даврда (20 йилда) курс даражаси 96,9 марта, ёки ўртача йилига 1,257 марта (25,7%га) ошган. Охириги 3 йилда ўртача 10,5 % атрофида курс ўзгарган.

2001 ва 2002 йилларда курснинг кескин ўзгаришига сабаб мамлакат валюта сиёсатида амалга оширилган деволвациялардир. Яъни 01.05.2000 йилда 1 АҚШ долларининг расмий курси 149,38 сўмдан 231,00 сўмга (54,6%га) оширилган, 01.11.2001 йилда эса 433,70 сўмдан 680,90 сўмга (57,0%га) оширилган.

Валюта муносабатларини тартибга солиш доирасидаги муҳим масалалардан бири тўлов балансини мувозанатлаштириш масаласи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида 2010-2015 йиллар мобайнида ташқи савдо баланси ижобий қолдиққа эга бўлган.

Бунинг натижасида тўлов балансининг мазкур даврлар мобайнида дефицитсиз бўлиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилган валюта сиёсати инфляцияга қарши сиёсат олиб бориш йўли билан миллий валютанинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга, тўловлар ва ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришга йўналтирилди. Натижада, 2014йилда инфляция даражаси башорат кўрсаткичидан юқори бўлмади ва 6,1%ни ташкил этди. Валюта курсини барқарорлиги инфляция даражасини бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг ўзаро боғлиқликда эканлигини корреляцион таҳлил натижасида аниқлашимиз мумкин.

Биз қуйидаги жадвалда валюта курсини ва инфляция (истеъмол нархлари индекси) даражаси динамикасини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Валюта курси ва инфляция даражаси ўзгариши*

Сана	Расмий валюта курси, Сум/ АҚШ доллари	Курс ўсиш даражаси, олдинги йилга нисбатан (коэф.да)	Инфляция даражаси, олдинги йилга нисбатан (коэф.да)
01.01.2004	980		
01.01.2005	1058	1,080	1,037
01.01.2006	1180	1,115	1,078
01.01.2007	1240	1,051	1,068
01.01.2008	1290	1,040	1,068
01.01.2009	1393	1,080	1,078
01.01.2010	1511,4	1,085	1,074
01.01.2011	1640	1,085	1,073
01.01.2012	1795	1,095	1,070
01.01.2013	1985,46	1,106	1,070
01.01.2014	2202,2	1,109	1,068
01.01.2015	2422,4	1,100	1,061
01.01.2016	2809,98	1,160	1,068

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди

Ўзбекистонда инфляция суръатларининг пасайиши, шунингдек, дунё молия бозорларида евро ва рубль курсларининг мустаҳкамланишини давом

этаётганлиги сўмнинг реал кўринишдаги курсига таъсир этаётган асосий омиллар бўлди.

Миллий валютани бошқа валюталарга эркин конвертирланишига эришиш - иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ҳамда пул-кредит ва валюта сиёсатини такомиллаштиришни таъминлашни талаб этади. Пул-кредит сиёсатини самарали юритиш учун аввало миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш зарур. Шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш, бу орқали валюта тушумларини кўпайтириш ҳозирги кундаги муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Валюта муносабатларини такомиллаштириш натижасида валюта тизими ва унинг амал қилиш механизмлари сезиларли даражада эркинлаштирилди ва эркинлаштирилмоқда. Жумладан, жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациянинг таъминланганлиги, биржа ва биржадан ташқари валюта бозорининг такомиллаштирилганлиги, нақд хорижий валюта билан савдо қилиш тартибларининг соддалаштирилганлиги, улар кўламларининг кенгайтирилганлиги, валюта курсларининг унификацияланганлиги, валюта тушумлари мажбурий сотувининг такомиллаштирилганлиги, валютавий чекловларнинг бекор қилинганлиги шулар жумласидандир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). – Т., 2003 йил 11 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. – Т., 1995 йил 26 декабрь.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
4. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Дарслик. Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005 йил, 588 бет.
5. Бункина М.К., Семенов А.М. Основы валютных отношений: Учебное пособие. – М.Юрайт, 1998. – 192с.
6. Жумаев Н., Бурхонов У. «Молиянинг долзарб муаммолари», Тошкент «Янги аср авлоди» нашриёти, 2003 й.